

Ли Чжон Гук: Таҳлил марказлари мулоқотини йўлга қўйиш – ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун самарали майдон



“Корея Республикаси – Марказий Осиё” ҳамкорлик форуми котибияти ижрочи директори Ли Жонг Гук Тошкентда гибрид шаклда ўтказилаётган “Марказий Осиё – Корея Республикаси: ўзаро ҳамкорлик истиқболи стратегик мулоқоти” мавзусидаги экспертлар форумида чиқиш қилар экан, Марказий Осиё мамлакатлари ва Корея Республикаси ўртасида “ақл” марказлари орқали ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлигини қайд этди.

– Бундай формат сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар алоқани мустаҳкамлаш, шунингдек кўп томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларида янги ривожланиш нуқталари ва драйверларини белгилашга ёрдам беради, – дейди корейлик эксперт. – Мамлакатларимиз сайёрамизнинг турли минтақалари, жумладан Марказий ва Шарқий Осиё барқарор ва жадал ривожланишига бевосита таъсир кўрсатаётган геосиёсий вазиятга гувоҳ бўлаётган ҳозирги шароитда экспертлар мулоқотини фаоллаштиришнинг айна пайтидир.

Манба